



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2012 йил 26 декабрь, № 251 (5671)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 28 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 6 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги 1054-ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474-II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 133-модда, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 10, 270-модда) **125-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

биринчи қисм қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек аввал ҳисобланган ва ундирилмаган мажбурий тўловлар бўйича пеня ва жарималар ҳисоблаш тўхтатиб турилади»;

бешинчи — еттинчи хатбошилар тегишинча **олтинчи — саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин; **иккинчи қисмдаги** «еттинчи хатбошига» деган сўзлар «саккизинчи хатбошига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Бож тарифи тўғрисида»ги 470-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 228-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 322-модда, № 9, 419-модда, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 4, 179-модда; 2010 йил, № 12, 474-модда) **33-моддаси биринчи қисмининг ўн учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан икки йил давомида ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулк».

(Давоми 2-бетда).

Эзгу мақсадлар, юксак натижалар

ўтаётган 2012 йилнинг мазмун-моҳиятида яққол акс этмоқда

Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустақамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Ислом **КАРИМОВ**




Эзгуликни ўйлаган одам покиза ният ва эртанги куннинг фаровонлиги йўлида катта орзу-умидлар ила меҳнат қилади. Шу маънода, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оламшумул ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу янгиланишларни эзгулик йўлида қадалган ниҳолга менгаш мумкин.

Зотан, йигирма бир йил мобайнида барча соҳаларда залворли муваффақиятларга эришилди. Бу борадаги изчил ислохотлар самарасини унутмаган ҳолда, биргина мамлакатимизнинг маънавий ҳаётидаги юксак одимлар хусусида сўз юритадиган бўлсак, мустабид тузум даврида топталган қадриятларимизнинг тикланиши, улуг аждодларимизнинг маънавий мероси ўрганилиши, бири-бирдан мухташам санъат, маданият қошоналари қурилишига айнан мустақиллик даврида асос солинди.

Ифтихор



(Давоми 4-бетда).



Худди шунингдек, истиқлол йилларида халқимизга хос анъана, урф-одат ва удувларни тарғиб этиш, кино ва театр санъатини такомиллаштириш, халқроқ миқёсда тан олинган актёрлар, дизайнерлар, рассомларни чорлаб, улар иштирокида нуфузли фестивал ва анжуманлар ўтказилиб келинаётганлиги ҳам ёш авлоднинг маънавий оламини бойитишга хизмат қилмоқда. Шундай йирик тадбирлардан бири, бу — азалий урфу русумларимизни ўзида акс эттираётган «Асрлар садоси» фестивалидир.

Ватанимизнинг бой тарихи, миллий маданияти бугун ҳам халқроқ жамоатчиликнинг хайрати ва ҳавасини уйғотмоқда. Шу маънода, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивалида бу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бу йилги анжуманда АҚШ, Япония, Хитой, Буюк Британия, Германия, Франция, Швейцария, Италия ва Испания каби кўплаб мамлакатлардан вакиллар иштирок этишди. Меҳмонлар Тупроққалъа ёдгорлиги, бу ерда амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ва бунёдкорлик иш-

ри билан танишдилар. Полвонлар, дорбозлар, миллий цирк санъати усталари, фольклор жамоаларнинг чиқишлари фестивалга янада кўтаринкилик бахш этиди.

Анжуман доирасида амалий санъат кўргазма-ярмаркаси ҳам бўлиб ўтди. Унда кулоллик, қандакорлик, каштачилик, миниатюра, тикшиш ва ёғоч ўймакорлиги усталари ўз маҳсулотларини намойиш этидилар. Фестивалда, шунингдек, халқ ўйинлари, миллий кураш мусобақалари, ошпазлар танлови, улук-қўпқари мусобақалари ҳам ўтказилди.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 7 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 5 декабрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Тезкор-қидирув фаолияти тушунчаси

Тезкор-қидирув фаолияти ушбу Қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлиналари (булардан буён матнда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар деб юритилади) томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият туридир.

4-модда. Тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари

Тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилиниши, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;
жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фож этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш;
суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлайётган шахсларни, бедарак йўқолган шахслар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидиришни амалга ошириш, шунингдек таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш;

(Давоми 3-бетда).

Биз ва жаҳон

Италиянинг Пестум шаҳрида XV Археология сайёҳлиги халқроқ кўргазмаси бўлиб ўтди. ЮНЕСКО ва БМТ Жаҳон сайёҳлиги ташкилоти томонидан Италия Республикаси кўмағида ташкил этилган мазкур тадбирда дунёнинг ўттиздан зиёд мамлақати, Италиянинг барча минтақаларида фаолият юритадиган сайёҳлик агентликлари ҳамда халқроқ тузилмалар вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Италиядаги Археология сайёҳлиги халқроқ кўргазмасида

Юртимизнинг Италиядаги элчиҳонаси кўмағида уюштирилган Ўзбекистон Миллий бўлмаси экспозицияларидан республикамизнинг сайёҳлик салоҳияти тўғрисида ҳикоя қилувчи ранг-баранг ахборот материаллари, халқ амалий санъати маҳсулотларининг намуналари жой олди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик имкониятлари, юртимизда мазкур соҳа тарқиқетининг устувор йўналишлари, ўлкаимизнинг бой тарихий ва маданий мероси ҳамда қулай табиий ва иқлим шарт-шароитлари, Бухоро, Хива ҳамда Самарқанд сингари қадимий шаҳарлар бағрида жойлашган бетақдор тарихий ёдгорликлар тўғрисидаги маълумотлар тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманнинг кўп сонли қатнашчилари ва меҳмон-

лари мамлакатимизга сафар уюштириш ҳамда юртимиздаги маҳобатли обидаларни бевосита кўриш ва ўзбек халқининг бой анъаналари билан белвосита танишиш истагини билдиргани Ўзбекистон бўлмасининг Археология сайёҳлиги халқроқ кўргазмаси иштирокчиларида катта таассурот қолдирганидан далолат беради.

«Жаҳон» Ахборот агентлигининг муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти вакили Софиа Гутierrez туризмнинг ривожланиши дунёдаги барча мамлакатлар ҳамда халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик алоқаларининг мустақамлаштиришга хизмат қилишини қайд этди. Унинг эътирофича, XV Археология сайёҳлиги халқроқ кўргазмаси ва унда юртимиз вакиллари иштироки нафақат бетақдор

Ўзбекистон билан яқиндан танишиш, балки юртимиз тарихи ва бугуни, маданияти ҳамда бекиёс кўҳна ёдгорликлари тўғрисида янги маълумотларга эга бўлиш учун жуда қулай имконият яратди.

Италиянинг «Meta-Mondo» сайёҳлик компанияси вакили Вера Родаро ўзи фаолият юритаётган компания ва ўзбекистонлик шериклар ўртасида кўп йиллардан буён муваффақиятли ҳамкорлик алоқалари мавжуд эканлигини маълум қилди. «Улкан сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган жозибдор Ўзбекистон италиялик сайёҳлик фирмаларида тобора катта қизиқиш уйғотмоқда. Компаниямиз томонидан Ўзбекистонга йўл олаётган сайёҳлар сонининг ортиб бораётгани ҳам бунинг яққол исботидир», деди у сўзининг якунида.

«Жаҳон» АА.

Оилавий тадбиркорлик — обод турмуш асоси

Гулистон шаҳрида Сирдарё вилояти ҳокимлиги, республика Марказий банки, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида «Оилавий тадбиркорлик — обод турмуш асоси» мавзусида бизнес-форум ўтказилди.

Бизнес-форум

Унда вилоятда фаолият юритаётган ишбилармонлар, 2013 йил учун янги лойиҳаларни тақдим қилган тадбиркорлар, республика Марказий банки ва тижорат банклари раҳбарлари қатнашди.

Таъкидландики, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда тадбиркорлар ва ишбилармонларга яратилаётган шарт-шароитлар, берилётган эътибор натижасида жой-

ларда кўплаб янги инновацион лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Хусусан, вилоят саноати салоҳиятини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 50 дан ортққ ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

(Давоми 4-бетда).

Ғамхўрликдан баҳраманд авлод

Президентимиз кўплаб йигилиш ва учрашувларда ёшлар камолоти масаласида сўз юритиб, «Ўзбекистонда истеъдодсиз боланинг ўзи йўқ, фақат уларни излаб топиш керак», дея таъкидлайдилар. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида ҳам бу борадаги фикрлар янги раҳмат билан янгради.

Бугун иқтидорли ва қобилиятли ўғил-қизлар давлатимизнинг юксак эътибори ва ғамхўрлигидан баҳраманд бўлмоқда. Истеъдод эгалари муносиб рағбатлантириляпти.

(Давоми 4-бетда).

Йўловчи ташиш ҳажми ошмоқда

Жорий йилнинг 9 ойи давомида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси самолётларида йўловчи ташиш 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан

13,5 фоиз ошди.

Ҳаво кемалари паркинни янгилаш ва ҳаво транспорти инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида Миллий авиакомпанияда ҳар йили замонавий авиалайнерлар эксплуатация қилинаётгани йўловчи ташиш ҳажмини муттасил ошириш имконини бермоқда.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

Қисқа сатрларда

• «Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамияти, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Лаъл Баҳодир Шастро номидаги Ҳиндистон маданият маркази, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчиҳонаси ҳамкорлигида «Ҳиндистон: Ўзбекистон ёш рассомлари нигоҳида» мавзусида кўрик-танлов ва кўргазма ўтказилди. Якунда голиб ва совриндорлар аниқланиб, уларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

• Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Иқтидоринг намойиш эт!» кўрик-танлови голибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказган мазкур танловда «Энг яхши мақола» йўналиши бўйича биринчи ўринга Фарғона вилояти, Учкуйрик туманидаги 1-мактаб интернат ўқувчиси Жалолидин Йигиталиев муносиб қўрилди. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 18-мактаб ўқувчиси Жалол Саломов «Энг яхши видеоролик» йўналишида голибликни қўлга киритди.

• Ўзбекистон давлат консерваториясида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ҳамкорлигида «Болажонлар — болаларга!» деб номланган концерт дастури намойиш этилди. Унда лицей ўқувчилари ўзбек ва жаҳон бастакорлари асарларидан намуналар ижро этди.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Чет эл инвестициялари тўғрисида»**ги 609–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 1998 йил, № 5–6, 91-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 179-модда, № 12, 640-модда) **12-моддаси олтинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил давомида ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулк бож ундиришдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **23-модда иккинчи қисмининг 10-бандидаги «жисмоний шахслардан»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **50-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи — тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Юридик шахс ҳўжалик суди томонидан банкрот деб топилган тақдирда, тугатишга доир иш юритишнинг бутун даврида мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек аввал ҳисобланган ва ундирилмаган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ва жарималар ҳисоблаш тўхтатиб турилади.

Ҳўжалик судининг юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарори мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек аввал ҳисобланган ва ундирилмаган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ва жарималар ҳисоблашни тўхтатиш учун асос бўлади.

Юридик шахс банкротлиги тўғрисидаги ишни юритиш тугатилган ва унинг тўлов қобилияти тикланган тақдирда, ҳўжалик судининг банкротлиги тўғрисидаги ишни юритишни тугатиш ҳақидаги қарори қабул қилинган санадан эътиборан, ушбу модданин еттинчи қисмида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш амалга оширилади»;

3) **61-модданин иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Юридик шахс солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқ қарзини узмаган тақдирда ва агар ушбу модданин биринчи қисмида назарда тутилган чораларни қўллаш натижасида мол-мулкка қаратиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан кўп солиқ суммадаги солиқ қарзи узилмай қолса, давлат солиқ хизмати органлари ундирувни ушбу Кодекснинг 65-моддасида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратади.

Жисмоний шахс солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани олган кундан эътиборан ўн кун ичида уни бажармаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари жисмоний шахсадан солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ариза билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилади, солиқ қарзи суммаси мол-мулкка қаратиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлган ҳоллар бундан мустасно»;

4) **123-модданинн учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига ёки судга шикоят бериш тегишинча шикоят бўйича давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи томонидан қарор қабул қилингунига ёки суднинг қарори қонуний кучга киргунига қадар шикоят қилинаётган қарорни ёки ҳаракатни ижро этишни, шу жумладан қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришни, шунингдек молиявий санкциялар қўлланилишини тўхтатиб туради. Солиқ тўловчи қайси давлат солиқ хизмати органининг қарори ёки мансабдор шахсининг ҳаракатлари устидан шикоят қилаётган бўлса, ўша органи давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига ёки судга шикоят берганлиги тўғрисида тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилиши шарт»;

5) **186-модданинн:** **биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи суммасини, шунингдек энг кам иш ҳақининг қаррали миқдорларида назарда тутилган имтиёзларни ҳисоблаб чиқариш учун энг кам иш ҳақи миқдорининг жорий йилнинг 1 январидан ҳолати инобатга олинади»;

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин; **бешинчи — ўн иккинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи — ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин; **тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан совға, моддий ёрдам ва бошқа турлардаги ёрдам олган жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш жисмоний шахс даромадлари тўғрисида декларация топширганда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади»;

6) **192-модданинн еттинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс, агар ушбу даромадларга жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг тўлов манбаида солиқ солинмаса, белгиланган муддатларда жами йиллик даромад тўғрисида декларация тақдим этиш билан бир қаторда ижарадан даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой тугаганидан кейин беш кунлик муддатда дастлабки тарздаги декларация ҳам тақдим этади»;

7) **193-модданиннн учинчи қисмидаги** «15 мартгача» деган сўзлар «1 июнидан кечиктирмай» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **209-модда** қуйидаги мазмундаги **17-банд** билан тўлдирилсин:

«17) мижозларнинг ҳисобрақамларига банклар томонидан электрон масофали хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар»;

9) **223-модданинн иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Йил чораги ҳисобот давридир»;

10) **225-модданинн:**

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Кўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якуналари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади»;

иккинчи қисми биринчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчилар, бундан кредит ва суғурта ташкилотлари мустасно, қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби билан бир вақтда солиқ даври мобайнида олинган ва реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрларини тақдим этади»;

11) **226-модданинн биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кўшилган қиймат солиғини тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ушбу Кодекс 225-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобини тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якуналари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай»;

12) **238-модданинн матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Йил чораги солиқ давридир»;

13) **239-модданинн матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Аққиз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг ҳар чорагида, солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якуналари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади»;

14) **246-модданинн иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳисобот даври қуйидагилардир: юридик шахслар учун — йил чораги; жисмоний шахслар учун — календарь йил»;

15) **247-модданинн иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ер қаридан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

юридик шахслар томонидан — ортиб борувчи яқун йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якуналари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

жисмоний шахслар томонидан — йилга бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралдан кечиктирмай.

Ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан — ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган юридик шахслар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якуналари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай»;

16) **260-модданиннн учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчилар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритади. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан сув келадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдаланилган тақдирда, солиқ солинадиган база манбаининг ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади. Сув етказиб берувчи юридик шахслар водопровод тармоғига сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан келадиган сув ҳажмларининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига жорий солиқ даврининг 15 январига қадар тақдим этишлари керак. Давлат солиқ хизмати органлари беш кун ичида ушбу маълумотларни солиқ тўловчилар эътиборига етказиши лозим»;

17) **262-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**262-модда. Солиқ даври**

Календарь йил солиқ давридир»;

18) **263-модданинн:**

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидагилар томонидан йилга бир марта тақдим этилади:

юридик шахслар томонидан (қишлоқ ҳўжалиги корхоналари бундан мустасно) — йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ ҳўжалиги корхоналари томонидан — жорий солиқ даврининг 15 декабрнгача;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари, шунингдек яқна тартибдаги тадбиркорлар томонидан — солиқ давридан кейинги йилнинг 25 январигача»;

тўртинчи қисмидаги «ҳисобот давридан кейинги» деган сўзлар «солиқ давридан кейинги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **264-модданинн матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловларни тўлайдилар, бундан ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон ҳўжаликлари мустасно.

Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 25 январигача, янги ташкил қилинганлари эса давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига мўлжалланаётган солиқ солинадиган базадан (фойдаланиладиган сув ҳажмидан) ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар.

Ушбу модданинн иккинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган жорий тўловлар қуйидагича тўланади: солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан (микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно) — ҳар ойнинг 25-кунидан кечиктирмай сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдоридан;

солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан камни ташкил этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган юридик шахслар, шунингдек микрофирмалар, кичик корхоналар ва яқна тартибдаги тадбиркорлар томонидан — йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 25-кунидан кечиктирмай сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ йиллик суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида.

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган солиқ солинадиган база ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчи сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун жорий тўловларга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш жорий тўловлар ҳисобга олинган ҳолда солиқ тўловчилар томонидан, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойида, ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади, бундан юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон ҳўжаликлари мустасно.

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китобга кўра бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ миқдорга камайtirилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон ҳўжаликлари томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш йилга бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майгача амалга оширилади»;

20) **266-модданинн:** **биринчи қисми 2-банди** чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «ва (ёки) номоддий активлар таркибида ҳисобга олиннадиган улардан фойдаланиш ҳўқуқи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

21) **267-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«асосий воситалар бўйича — асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланган) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сיעбатига белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади»;

22) **268-модданинн биринчи қисмидаги** «ҳисобот давридаги» деган сўзлар «солиқ давридаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **270-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**270-модда. Солиқ даври**

Календарь йил солиқ давридир»;

24) **271-модданинн матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ушбу Кодекс 267-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда солиқ тўловчи — Ўзбекистон Республикасининг резиденти томонидан амалга оширилади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловлар тўлайдилар.

Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 10 январигача, янги ташкил қилинганлари эса давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига мўлжалланаётган солиқ солинадиган базадан (тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматида (ўртача йиллик қийматида) ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даври учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар.

Ушбу модданинн тўртинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган жорий тўловлар қуйидагича тўланади: микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 25-кунидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай.

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган солиқ солинадиган база ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчи юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун жорий тўловларга юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ даврида тўланиши лозим бўлган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси жорий тўловлар ҳисобга олинган ҳолда, ҳисоб-китобнинг тақдим этиш муддатидан кечиктирмай бюджетга ўтказилади.

Солиқ даврида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китобга кўра бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ камайtirилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ солинадиган

базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда давлат солиқ хизмати органлари томонидан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти доимий муассасанинн солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ солинадиган мавжуд мол-мулк тўғрисидаги маълумотномани ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 25 январидан кечиктирмай тақдим этиши шарт. Тақдим этилган маълумотнома асосида давлат солиқ хизмати органи юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси ҳисоб-китобини ўн кун ичида амалга оширади ва тўлов хабарномасини ёзиб беради;

Ўзбекистон Республикасининг кўчмас мулкка эга бўлган норезидентларига кўчмас мулк жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчининг ёки кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органининг маълумотлари асосида тўлов хабарномасини ёзиб беради.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан йилда бир марта, солиқ ҳисоботи давридан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай тўланиши керак»;

25) **280-модда иккинчи қисмининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«коммунал-маиший аҳамиятга молик ерлар (дафн этиш жойлари, маиший қиндиларни йиғиш, қайтадан ортши ва саралаш жойлари, шунингдек қиндиларни зарарсизлантириш ҳамда утилизация қилиш жойлари ва бошқа шу каби жойлар)»;

26) **284-модда** қуйидаги тахрирда баён этил

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-2-бетларда).

39) **313-модданинг учинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Куйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

ушбу Кодекснинг 132-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар;

хаётни сугурталаш соҳасига тааллуқли шартномалар бўйича сугурта муқофотлари (бадаллари), қайта сугурта қилиш шартномалари бўйича топширилган тўловлар суммалари, шунингдек ушбу Кодекс 150-моддасининг 2 ва 4-бандларида кўрсатилган даромадлар»;

40) **314-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ил чораги ҳисобот давридир»;
41) **315-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар куйидагича тўланади:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловчи бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай»;

42) **316-модданинг иккинчи қисми** куйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан акциз тўланадиган

маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно»;

43) **317-модданинг учинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Куйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

ушбу Кодекснинг 132-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар;

хаётни сугурталаш соҳасига тааллуқли шартномалар бўйича сугурта муқофотлари (бадаллари), қайта сугурта қилиш шартномалари бўйича топширилган тўловлар суммалари, шунингдек ушбу Кодекс 150-моддасининг 2 ва 4-бандларида кўрсатилган даромадлар»;

44) **318-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ил чораги ҳисобот давридир»;
45) **319-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатдан кечиктирмай тақдим этилади. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар куйидагича тўланади:

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловчи бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай»;

46) **352-модданинг учинчи қисми** куйидаги мазмундаги **учинчи — олтинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Агар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган яғона солиқ тўлови тўловчиларда жорий солиқ даврининг кетма-кет келувчи икки чораги давомида савдо фаолияти ва умумий оқватланиш соҳасидаги фаолият асосий фаолият тури бўлмаса, улар ушбу Кодекс 348-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишга ҳақли.

Агар юридик шахслар ҳисобот йили яқунлари бўйича ушбу Кодекс 350-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермасалар, улар келгуси йил бошидан эътиборан умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтиши керак, бундан солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақлаб қолинадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган юридик шахслар, бундан микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно, яғона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ўтган ҳисобот йили учун умумбелгиланган солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар асосида яғона солиқ тўлови юзасидан ушбу Кодекснинг 351-моддасида белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китобни амалга оширади.

Ҳисобот йили тугаганидан кейин ушбу Кодекс 350-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермай қолган микрофирмалар ва кичик корхоналар 1 февралдан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ солиш тартиби танланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шакл бўйича ёзма билдириш тақдим этиши шарт. Солиқ тўловчи томонидан ёзма билдиришнинг белгиланган муддатда тақдим этилмаганлиги унинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга берилган розилиги деб ҳисобланади»;

47) **356-модда иккинчи қисмининг 1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилгиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ тўловчилар — юридик шахслар учун — транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилгиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммасига»;

48) **359-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ил чораги ҳисобот давридир»;
49) **360-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Яғона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Яғона солиқ тўлови куйидагича тўланади: микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай; микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай»;

50) **372-модданинг олтинчи қисмидаги** «ва иш ҳақининг энг кам миқдори» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун 2013 йилнинг 1 январидан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 25 декабрь
№ ҲҚ—343

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ҳодисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақида ахборот тўплаш.

5-модда. Тезкор-қидирув фаолиятининг асосий принциплари

Тезкор-қидирув фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги, конспирациядан, ошқора ва ноошқора усуллар уйғунлигидан иборат.

6-модда. Қонунийлик принципи

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига аниқ риоя қилиши ва уларни бажариши шарт.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига аниқ риоя қилишдан ҳамда уларни ижро этишдан чекиншиш қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

7-модда. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги принципи

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг ходимлари тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиши шарт.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг ходимлари томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда, мазкур органлар ҳамда уларнинг раҳбарлари ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларини тиклаш, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда айбдорларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш натижасида олинган, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этиш билан боғлиқ бўлмаган ахборотдан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чеклаш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

Ҳеч қим қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Инсоннинг шахсий ҳаёти ҳолатларига оид маълумотларнинг ошқор этилишига олиб келадиган, унинг ҳаётини, соғлигини хавф остига қўядиган, шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади.

8-модда. Конспирация принципи

Тезкор-қидирув фаолияти конспирация принципига риоя этилган ҳолда, яъни тезкор-қидирув тадбирлари ўтказишининг, тезкор-қидирув хусусиятига эга ахборотни олиш, расмийлаштириш, сақлаш ва ундан фойдаланишининг, шунингдек тезкор-хизмат хусусиятига эга ҳужжатлар билан ишлаш қондаларининг алоҳида тартиби белгиланган ҳолда амалга оширилади.

9-модда. Ошқора ва ноошқора усуллар уйғунлиги принципи

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ошқора ва ноошқора усуллардан фойдаланади, бундай усулларнинг алоҳида хусусияти ушбу фаолиятнинг шарт-шароитлари билан белгиланади.

2-боб. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, уларнинг ҳуқуқий мақоми

10-модда. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудда тезкор-қидирув фаолиятини: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг; Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг органлари амалга оширади.

Бошқа давлат органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар томонидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш тақиқланади.

11-модда. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ваколатларини чегаралаш

Суриштирув ва тергов органлари иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 43-бобида назарда тутилган терговга тегишлиликка мувофиқ ўтказилади.

Прокуратура органлари иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан терговчининг ёзма топшириғи, прокурорнинг кўрсатмаси ва топшириғи асосида ўтказилади.

Ушбу Қонуннинг 15-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказида.

12-модда. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ҳуқуқлари

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар:

ушбу Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирларини ошқора ва ноошқора ўтказиш;

махфийлик асосида кўмаклашиш истагини билдирган шахслар билан пулли ёки бепул ҳамкорлик ўрнатиш; юридик ёки жисмоний шахсларнинг розилиги билан уларга тегишли хизмат жойлари ва турар жойлардан, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкдан фойдаланиш;

ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни ҳал этиш учун махсус билымларга эга бўлган мутахассислар ёрдамидан фойдаланиш;

видео- ва аудиоёзув, кино- ва фотосуратга олиш воситаларини, шунингдек инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфсиз бошқа техника воситаларини қўллаш;

тезкор-қидирув учун мўлжалланган ахборот тизимларини яратиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13-модда. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мажбуриятлари

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар:

ўз ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ҳимоя қилиш, шунингдек шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни кўриши; жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда топши чораларини кўриши; суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни, бедарак йўқолган шахслар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидиришга, шунингдек таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлашга доир ишларни ташкил этиши;

тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги суриштирув, тергов органларининг ёзма топшириқларини, прокурорнинг кўрсатмалари ва топшириқларини бажариш бўйича барча зарур чораларни кўриши;

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда конспирация принципига риоя этиши; фуқароларнинг шахсий ҳаётига тегишли, шаъни ва қадр-қимматига дахлдор маълумотларни уларнинг розилигисиз ошқор этмаслиги;

тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаши;

тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаши;

ўз ходимларининг ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган шахсларнинг, шунингдек улар оила аъзоларининг хавфсизлигини, уларнинг мол-мулкни жиноий таъжовузолардан ҳимоя қилиши таъминлаши;

мазкур органлар ваколатига тааллуқли, ўзларига маълум бўлиб қолган жиноий фаолият фактлари тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ҳамда зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришда бир-бирига зарур ёрдам кўрсатиши;

ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришда тезкор-қидирув фаолиятининг мавжуд куч ва воситаларини самарали қўллаши шарт.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

3-боб. Тезкор-қидирув тадбирларининг турлари ва уларни ўтказиш тартиби

14-модда. Тезкор-қидирув тадбирларининг турлари

Тезкор-қидирув тадбирларининг турлари куйидагилардан иборат:

- сўров;
- маълумотлар тўплаш;
- қиёсий текширув учун намуналар йиғиш;
- текшириш учун харид қилиш;
- назорат остида олиш;
- предметлар ва ҳужжатларни текшириш;
- тезкор кузатув;
- шахснинг айнанлигини аниқлаш;
- турар жойларни ва бошқа жойлар, бинолар, иншоотларни, жойнинг участкаларини ва транспорт воситаларини текшириш;
- почта жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни назорат қилиш;
- телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш;
- алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш;
- тезкор киритиш;
- назорат остида etkazиб бериш;
- ниқобланган операциялар;
- тезкор эксперимент.

15-модда. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асослар

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун куйидагилар асос бўлади:

- жиноят ишининг мавжудлиги;
- суриштирув, тергов органларининг ёзма топшириғи, прокурорнинг кўрсатмаси ва топшириғи;
- агар жиноят иши қўзғатиш учун етарли асослар бўлмаса, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга жиноятларни тайёрлаш, содир этиш аломатлари тўғрисида, шунингдек жиноятларни тайёрлашга ёки содир этишга дахлдор шахслар ҳақида аён бўлиб қолган маълумотлар;
- шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи шахслар, ҳодисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақидаги ахборотнинг мавжудлиги;
- тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахслар, бедарак йўқолган шахслар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахслар тўғрисида, шунингдек топилган таниб олинмаган мурдалар ҳақида аён бўлиб қолган маълумотлар;
- Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномалари асосида келиб тушган сўровлар;
- тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи бошқа органларнинг сўровлари.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, ўз ваколатлари доирасида, куйидаги қарорларни қабул қилиш учун зарур маълумотларни тўплашга ҳақли:

давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш ёхуд ўта муҳим ва тоифаланган объектларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ ишларга рухсат бериш тўғрисида;

тезкор-қидирув фаолиятида иштирок этишга рухсат бериш ёки ушбу фаолиятни амалга ошириш натижасида олинган материаллардан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида;

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга махфийлик асосида кўмаклашаётган шахслар билан ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида ёки бундай ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ҳақида.

16-модда. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шартлари

Ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланиши ҳуқуқларини, шунингдек уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини келочлики тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарининг асослантирилган қарори асосида йўл қўйилади, прокурор бу ҳақда йигирма тўрт соат ичида албатта хабардор қилинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган, узоқ давом этадиган тезкор-қидирув тадбири ўтказилган тақдирда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган бундай тадбирни ўтказиш ҳақида тадбир бошланган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида прокурорнинг санкциясини олиши ёхуд тадбир ўткази

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1 ва 3-бетларда).

17-модда. Тезкор-қидирув фаолиятидаги чекловлар

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг:

фуқаролар ҳаётини, соғлигини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда қонуний манфаатларини хавф остига қўядиган, шунингдек инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этиши;

фуқароларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириши ва ундаши;

зўравонлик, таҳдид, қўрқитиш ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чекловчи бошқа гайриқонуний усуллардан фойдаланиши; ушбу Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилмаган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиши;

тезкор-қидирув материалларини сохталаштириши, шунингдек била туриб нотўғри маълумотлардан фойдаланиши;

бирон-бир юридик шахснинг, шу жумладан сиёсий партиянинг, диний ташкилотнинг ёки бошқа нодавлат нотижорат ташкилотининг, шунингдек жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиши тақиқланади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг депутатлар, сенаторлар, судьялар, прокурорлар, адвокатларни махфийлик асосида ҳамкорликка жалб қилиши тақиқланади.

18-модда. Тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув ишини юритиш

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун тезкор-қидирувга мўлжалланган ахборот тизимларини яратишга ва улардан фойдаланишга ҳақли.

Маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириши, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини текшириши ва баҳолаш, шунингдек улар асосида, ушбу Қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, тегишли қарорлар қабул қилиш мақсадида тезкор-қидирув иш юритиши ишлари юритилади.

Тезкор-қидирув иш юритиши ишларининг рўйхати ва уларни юритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

19-модда. Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фақат тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади.

Тезкор-қидирув фаолияти материаллари жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлиши, жиноят иш ўз юритишида бўлган суриштирув, тергов органлариға, прокурорға тергов ҳаракатларига тайёргарлик куриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилиши, шунингдек бу материаллардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормаларига мувофиқ жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин.

Ушбу Қонуннинг 16-моддаси шартларига риоя этилган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ тегишли органлардан сўнг далиллар сифатида эътироф этилиши мумкин.

Тезкор-қидирув фаолияти натижалари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида суриштирув, тергов органларига, прокурорға техника воситаларидан фойдаланиш натижасида олинган материаллар қўшилган ҳолда тақдим этилади. Тақдим этиладиган материалларнинг ҳажми тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ходим

ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида аниқланган жиноятни қасддан яширган тақдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

20-модда. Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги маълумотларни муҳофаза қилиш

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланилаётган ёки фойдаланилган кучлар, воситалар, манбалар, усуллар, тезкор-қидирув фаолияти режалари ва натижалари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг штатдаги ошкор қилинмайдиган ходимлари ҳамда мазкур органларга махфийлик асосида қўмаклашаётган шахслар тўғрисидаги, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тактикаси ҳақидаги маълумотлар давлат сирини ташкил этади ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда, фақат тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарининг қарори асосида ошкор этилиши лозим.

Тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи икки ва ундан ортқ орган томонидан ўтказилган тақдирда, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда, фақат мазкур органлар раҳбарларининг қарори асосида ошкор этилади.

21-модда. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги қарорларнинг прокурор томонидан кўриб чиқилиши тартиби

Ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа каналлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланмишига доир ҳуқуқларни, шунингдек уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ва бундай тадбирларни ўтказиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилган орган жойлашган ердаги прокурор томонидан амалга оширилади. Алоҳида ҳолларда, бундай тадбирларни ўтказиш ҳақидаги материалларнинг тадбирлар ўтказилаётган жойдаги прокурор томонидан кўриб чиқилишига йўл қўйилади.

Прокурорга тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарининг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш зарурлиги асослаб берилган қарори тақдим этилади. Прокурор тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилган бошқа материалларни ҳам талаб қилишга ҳақли.

Прокурор тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли тезкор-қидирув тадбирини ўтказишга санкция беради ёхуд уни ўтказишни асосланттирилган ҳолда рад этиб, қарорда бу ҳақда кўрсатиб ўтади. Прокурор тезкор-қидирув тадбири ўтказилишига санкция бериши рад этган тақдирда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган юқори турувчи прокурорга бундай қарор устидан шикоят қилишга ҳақли.

4-боб. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимларини ва бундай фаолиятни амалга оширишга қўмаклашаётган шахсларни, шунингдек уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш

22-модда. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимларини, шунингдек уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ходимлари давлат ҳимоясида бўлади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимларига қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниш кафолатлари берилади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимларига қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий имтиёзлар берилади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ҳафсизлигини таъминлаш, шунингдек уларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда махсус чора-тадбирлар назарда тутилади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органнинг уюшган жиноий гуруҳ, жиноий уюшма орасига уларни фош қилиш мақсадида қиритилган ходими қонунда белгиланган тартибда қилмишининг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, қонунга хилоф қилмишлари учун жиноий жавобгарликдан озод этилади.

23-модда. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга қўмаклашаётган шахсларни, шунингдек уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга қўмаклашаётган шахслар давлат ҳимоясида бўлади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга қўмаклашаётган шахслар тезкор-қидирув фаолияти учун ажратилган маблағлар ҳисобидан белгиланган миқдорларда тақдирлиши ҳуқуқига эга.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга қўмаклашаётган шахсларнинг, шунингдек улар оила аъзоларининг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига ҳақиқий таҳдид юзага келган тақдирда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда махсус ҳимоя чора-тадбирларини кўриши шарт.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга қўмаклашаётган шахс тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда иштирок этиши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, бу унинг меҳнат қилиш қобилиятини йўқотишига ҳамда ногиронликка олиб келган тақдирда, ушбу шахсга қонун ҳужжатларига мувофиқ бир йўла бериладиган нафақа тўланади ҳамда ногиронлик пенсияси тайинланади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга қўмаклашаётган шахс тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда иштирок этиши билан боғлиқ ҳолда ҳалок бўлган тақдирда, марҳумнинг оила аъзоларига ва қарамоғида бўлган шахсларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бир йўла бериладиган нафақа тўланади ҳамда боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан пенсия тайинланади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга қўмаклашаётган, уюшган жиноий гуруҳ, жиноий уюшма орасига уларни фош қилиш мақсадида қиритилган шахс қонунда белгиланган тартибда қилмишининг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, қонунга хилоф қилмишлари учун жиноий жавобгарликдан озод этилади.

5-боб. Яқунловчи қондалар

24-модда. Тезкор-қидирув фаолиятини молиялаштириш

Тезкор-қидирув фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

25-модда. Молиявий маблағларнинг сарфланиши устидан назорат

Тезкор-қидирув фаолияти учун ажратилган молиявий маблағларнинг сарфланиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

26-модда. Тезкор-қидирув фаолияти устидан идоравий назорат

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг фаолияти устидан идоравий назорат қилиш тартиби мазкур органлар раҳбарлари томонидан белгиланади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар раҳбарлари тезкор-қидирув фаолиятининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши устидан идоравий назоратни таъминлайди.

27-модда. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурорлар ўзларига тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллардаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

28-модда. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг қарорлари ва мазкур органлар ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг қарорлари, мазкур органлар ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга, прокурорга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

29-модда. Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

30-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириши;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

31-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўн икки ой ўтгач кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 25 декабрь
№ УРҚ—344

Эзгу мақсадлар, юксак натижалар

ўтаётган 2012 йилнинг мазмун-моҳиятида яққол акс этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, миллий ҳаёт тарзими учун ёт гоғлар, "оммавий маданият"нинг зарарли таъсиридан асрашнинг муҳим шартли сифатида миллий санъатимиз ва маданиятимизни раванқ топтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу жиҳатлар "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан 4-9 октябрь кунлари ўтказилган "Art Week Style.uz — 2012" санъат ҳафталигида ҳам яққол намоён бўлди.

Бир ҳафта мобайнида Ёшлар ижод саройи, Миллий санъат маркази, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси каби маданият масканларида рангбаранг фото ва тасвирий санъат кўргазмалари, тақдимот маросимлари бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик иқтидорли ёшлар жаҳоннинг номдор модельер ва дизайнерлари билан бир саҳнада ўз ижодий ишларини намоиш этиш имконига эга бўлди. Санъат ва маърифат байрами доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтган халқаро анжуманда мамлакатимиз меъморий обидаларидаги муқаддас бетиқларнинг халқимиз маънавиятининг юксалиши ва Шарқ тамаддуни ривожидида аҳамияти ҳақида фикрлашилди.

Ушбу ҳафталикка жаҳоннинг энг номдор санъаткорлари ташриф буюргани ҳам юртимиз довурига довуққ қўшди, десак, янгилимаймиз. Зеро, Тошкентдаги санъат саройларида машҳур музикачилар, ижодий жамоалар иштирокида концертлар бўлиб ўтди. Ҳафталикнинг энг йирик ва ёрқин тадбирларидан бўлган Миллий либослар фестивалида ёш дизайнерларнинг турли худудларимизнинг ўзига хос либослар тўплами намоиш этилган бўлса, "Underground" намоишида ёшлар эркин мазву ва услубда ўз иқодини томошбинларга ҳавола этди.

— Мен Ўзбекистонни чин дилдан яқши қўриб қолдим, — деган эди ҳафталик меҳмонларидан бири, Испаниянинг ёш дизайнерлар уюшмаси пре-



зиденти Лаура Валенсия. — Бу юртда одамларнинг самимийлиги, кулиб турлиши, бозорларнинг тўкин-сочиллиги, ёш қарининг ҳаётдан мамнуллигини кўриб, қойил қолдим. Санъат анжумани тўғрисида кўп қўл билан танишдим, дўстлар орттирдим. Бу тадбирда аҳолининг турли қатламлари, касб-кори, ёши, миллиати турлича бўлган одамлар фаол қатнашгани эътиборимни тортди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда инсон омили, унинг ижодий-маънавий камалотига устувор аҳамият қаратаётганидан далолатдир.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Голливуд актёри Марк Дакасос эса ўз таассуротлари билан ўртоқлашиб, шундай деган эди:

— Бундай жонли, қизиқарли, завқли, ранг-баранг тадбирларга бой санъат ҳафталиги ҳар қандай ижодкорни руҳлантириб юборади. Барча кўргазма ва намоишлар, премьераларда мамлакатимиз ижодкорлари санъатнинг қай йўналишида бўлмасин, ўз мактаби, миллий анъана ва қадр-иятларига юксак сadoқат ва меҳр билан фаолият кўрсатаётгани таҳсинга лойиқ.

"Art Week Style.uz — 2012" санъат ҳафталиги доирасида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Бадиий академия, Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ўтказилган халқаро Тошкент фотобиеннале ҳам эзгу мақсадларга хизмат қилди. Фотобиенналеда Германия, Франция, Испания, Италия, Япония,



Хитой, Жанубий Корея, Бангладеш, Исроил, Украина сингари жаҳоннинг 35 давлати фотомунаввиларининг икки мингдан ортқ сурати томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Фотобиеннале тадбирлари қадим ва ҳамиша навқор Самарқанд шаҳрида ҳам ўтказилди. "Чорус" галереясида кўргазмалар, турли учрашувлар, анжуманлар ҳорихлик меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирди.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган учинчи халқаро театр фестивали ҳам санъат илхосмандлари, маданият ва санъат амояндалари, талаба-ёшлар, юртимиз меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди. Ушбу фестиваль юртимиз ва

ҳорихлик саҳна санъати ижодкорларининг ўзаро мулоқоти, фикр ва таҳририча алмашими, ижодий ҳамкорликни тобора кенгроқ йўлга қўйишида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Фестивалда Марказий Осиё мамлакатлари, Болгария, Россия, Исроил каби давлатларнинг театр жамоалари ўзининг энг сара саҳна асарларини томошабинларга тақдим қилди. Томошабинлар Тошкент шаҳридаги театрлар, театр-студиялар, вилоятлардаги ижодий жамоалар репертуаридаги энг сара



спектаклар билан танишдилар. Халқаро кино оламида "Олтин Гепард" кинофорумининг нуфузи юксалиб бормоқда. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Ўзбекино" Миллий агентлиги ҳамкорлигида миллий кино санъатини янада ривожлантириш, ёш ижодкорларни аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш мақсадида бир қатор лоийҳалар амалга оширилмоқда. Жорий йилда мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилган "Олтин Гепард" халқаро Тошкент кинофоруми бу борадаги ижодий изланишларнинг узвий давомидир. Бу йилги киноанжуманга Осиё,

Европа, Африка, Шимолий ва Жанубий Американинг эллика яқин мамлакатидан беш юзга яқин асар тақдим этилди. Улардан ўттиздан зиёди — ўн иккита тўлиқ метражли, ўн битта қисқа метражли, ўнга анимацион фильм танлов учун саралаб олинди. Кинофорум дастуридан танловдан ташқари картиналар намоиши, "Замонавий ўзбек киноси панорамаси", "Франциялик таниқли режиссёр Жак Тати фильмлари ретроспективаси", нодавлат киностудияларда тасвирга олинган "Томошабин билан юзма-юз" каби ижодий дастурлар ҳам ўрин олди.

...Янги 2013 йил тобора яқинлашаётган шу кунларда кўнгилда фараҳшар туйғулар жўш уриши табиий. Бинобарин, давлатимиз раҳбари келгуси йилни мамлакатимизда "Обод турмуш йили" дея номланганларда қувонганимиз бежиз эмас. Зеро, яшадан мақсад эзгу ном қолдириш, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишдир. Зотан, тинчлик ҳукмрон юртдагина ўзгаришлар рўй беради, тараққиёт сари илтишл бўлаверади. Бунга биз "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган улгувор ислохотлар мисолида ҳам яна бир бор амин бўлдик.

Яқунланаётган ҳам мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос наъвий юксалиш йили бўлди, десак янгилимаймиз. Биз юқоридега бу йўналишдаги энг муҳим тадбирлардан айримларининггина тилга олиб ўтдик, холос.

Халқаро миқёсда эътироф этилган бу каби фестиваль ва анжуманларни сарҳисоб этишдан мурод шунки, Юртбошимизнинг ташаббус ва гоғлари асосида ҳаётга таъбиқ этилаётган ислохотларга камарбаста бўлиш, уларни қадрлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Жаҳон миқёсида тан олинган, ўз соҳасининг усталари эътироф этган ўзгаришлар элнинг омонлиги, осмонимизнинг мусафоллиги тўғрисида. Қолаверса, маънавий етуқликка эришилш йўлида, истиқлол гоғларини тарғиб этиш мақсадида олиб борилаётган ислохотларнинг барчасини сизу бизнинг, ЎЗБЕК халқининг, шу халқ билан бир тану бир жон бўлиб яшаётган турли элат ва миллат вакилларининг дилбандлари учун хизмат қилаётганини унутмаслик Ватан олдидаги қарзимиз ва фарзимиздир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
Шоҳмурот ШАРАПОВ,
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Оилавий тадбиркорлик — обод турмуш асоси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Уларни ташкил этиш учун жами 26,4 миллиард сўм ҳамда 20,5 миллион АҚШ долларини миқдорда инвестициялар жалб этилди. Пировадда 2 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

2013 йил — Обод турмуш йилида эса вилоят иқтисодиётини барқарор ривожлантириш бўйича тадбиркорларнинг қарийб 400 та лоийҳаси ишчи гуруҳларга тақдим этилди. Улардан 52 тасининг сохибна-

рига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Ўзсаноатқурилишбанк", "Микрокредитбанк", "Асака" банки, "Қишлоқ қурилиш банк", "Ипотeka-банк", "Агробанк", "Турон" банки ва Халқ банкининг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берадиган сертификатлари топширилди. Бизнес-форумда вилоят ҳокими О. Ашурматов иштирок этди.

Ш. ҲОЛМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ғамхўрликдан баҳраманда авлод

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзим мисолимда айтай. Оддий қишлоқ қизининг Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб қўрилиш нафақат мен, ота-онам ва яқинларим, балки бутун Фарғона аҳли учун қувончли воқеа бўлди.

Айни пайтга келиб эса вилоятимизда ана шундай юксак мукофот билан тақдирланган қизлар сонин 13 нафарга етибди. Бугун ана шу бахтиёр опа-сингилларим сингари билдирилган юксак ишончни оқлашга, Ўзбекистон равнақига муносиб ҳисса қўлишга ҳаракат қилаяман.

«ЎЗБЕКИСТОН»
 НАШРИЁТ-МАТБАА
 ИЖОДИЙ УЙИ ЖАМОАСИ

азиз ватандошларимизни
2013 йил
 – Обод турмуш йили билан
 самимий қутлайди!

Юртбошимиз раҳнамолигида тараққиёт ва фаровон-ликнинг ойдin йўлларида юксак марраларни забт этиб, оламшумул зафарларни қўлга киритиб келмоқдамиз. Йўлларимиз ойдin, келажакимиз нурафшондир. Бахт ва саодатимиз Янги йилда янада гуллаб-яшнасин. Барчангизга мустақам соғлик, эзгу ва хайрли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!

Янги йил муборак!

*Корея миллий
 нефть корпорацияси*
 Ўзбекистон халқини қириб қелаётган
Янги - 2013 йил
 билан табриқлайди!

*Янги йил барчага бахт, қувонч, фаровонлик,
 қелтирсин!*

*It is a great honor for
 Korea National Oil Corporation
 to congratulate the people
 of Uzbekistan on the coming
Year of 2013 !*

We wish joy, welfare and prosperity in the new year!

KNOC

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖ
 жамоаси

мамлакатимиз халқини қириб қелаётган
2013 йил — Обод турмуш йили
 билан самимий муборакбод этади!

*Янги йил озоғ ва хўр қиёрилиғизга,
 шу юртда яшаётган ҳар бир
 ватандошимиз хонадонига тинчлик,
 хотиржамлик, бахт-саодат
 ва файзу борака олиб
 келсин!*

*Янги йилнингиз
 муборак бўлсин!*

«Ўзбекчармпойабзал»

УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

барга юртдошларимизни

Янги йил

билан самимий табриклайди!

Янги йил
Сизга бахт-иқбол,
хонадонингизга фариз-барака,
хотиржамлик ва фаровонлик
олиб келишни тилаб қоламиз!

Янги — 2013 йил
барчангизга муборак бўлсин!



217161971

«Ўзвиносаноат-холдинг»

компанияси жамоаси

Мамлакатимиз

аҳолисини

Янги — 2013 ЙИЛ

билан самимий кутлайди!

*Янги йил ҳар бир оилага тинчлик,
фаровонлик, омад ва бахт
олиб келсин!*

217170229

«Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистан» Ўзбекистон аҳлини

Янги — 2013 йил

билан табриклайди!

Сизларга Янги йилда бахт,

тинчлик ва фаровонлик

тилаймиз!



2172811431

«HUVAYDO-MEBEL»

масъулияти чекланган жамияти
жамоаси

*келажакка
ёрқ юз билан
интилайётган
юртдошларимизни*

Янги — 2013 йил

*билан самимий
муборакбод этайди!*

**Янги йил ҳар биримизнинг
ҳаётимизда ёрқин из қолдирсин!**

АВВАЛО, ЮРТИМИЗ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА,
ОИЛАЛАРИМИЗ ХОТИРЖАМ,
ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БАХТЛИ БЎЛСИН!



212641370

Интилиш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида иқтисодий таъминнинг рақобатбардошлиги ошириб, унинг барча тармоқлари, айниқса, саноат салоҳияти тобора юксалиб бораёпти. Бу жараёнда Президентимиз ташаббуси билан иқтисодийetni диверсификациялаш ва таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда технологик жиҳатдан янгилашга қаратилган инвестициявий лойиҳалар кўлами кенгайтирилаётгани ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Илғор технологияларга асосланган машиналар

“Lemken Chirchiq” кўшма корхонасида ишлаб чиқарилмоқда

Биргина 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастур доирасида кўплаб истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилаётгани, бу, ўз навбатида, саноатимизнинг барча йўналишларини жадал ривожлантириш имконини бераёпти. Буни машинасозлик ва металлни қайта ишлаш соҳасидаги ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

“Chirchiqqishloqmash” очик акциядорлик жамияти билан Германиянинг “Lemken GmbH Co KG” компанияси ҳамкорлигида жорий йилда ташкил этилди. Шу тариқа машинасозлигимиз ривожини йўлида яна бир муҳим қадам ташланди.

— Энг сўнгги технологияларга асосланган замонавий қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарилаётган бизнинг корхонамиз мамлакатимизда яратилган қулай инвестициявий муҳит, тадбиркорлик ҳаракати ривожини унун қарантилаётган доимий эътибор ва гамхўрликнинг маҳсулидир, — дейди “Lemken Chirchiq” кўшма корхонаси бош директори Р. Раҳметов. — Сабаби, унинг бино ва иншоотларини қисқа муддат ичида барпо этиб, хоризнинг ил-

Маълумки, машинасозлик саноатимизнинг истиқболли, шу билан бирга, юқори суръатларда тараққий этаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Мазкур соҳада 2012 йилнинг тўққиз ойида 10,6 фоиз ўсish кузатилгани бунинг яққол далилидир. Ушбу даврда қишлоқ хўжалиги техника ва усқуналари, хусусан, плуглар ҳамда севялалар ишлаб чиқариш ҳамми сезиларли даражада кўпайди. Бунда, айтиш мумкинки, Чирчиқ шаҳридаги “Lemken Chirchiq” кўшма корхонасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

тадбиркорлик ҳаракати ривожини унун қарантилаётган доимий эътибор ва гамхўрликнинг маҳсулидир, — дейди “Lemken Chirchiq” кўшма корхонаси бош директори Р. Раҳметов. — Сабаби, унинг бино ва иншоотларини қисқа муддат ичида барпо этиб, хоризнинг ил-

Қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган мазкур корхона иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. У

гор технологик линиялари билан жиҳозлашда чет эл сармосидан унумли фойдаланилди. Натижада 2012 йилнинг дастлабки чорагидан ички

ётган ишчи ва мутахассис ходимлар янги технологик жараёнларни бошқаришни тўлиқ ўзлаштириб олишгани боис ишлаб чиқариш ҳамми бундан кейин тобора кўпайиб бораётибди. Қолаверса, кадрларнинг малакаси оширилгани фермер хўжаликлари ва машина-трактор паркларини буюртмасига мувофиқ, бошқа турдаги янги қишлоқ хўжалиги техникаларини тайёрлаш имконини яратаёттир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, бу ерда 2012 — 2014 йиллар давомида ишлаб чиқаришни босқичма-босқич маҳаллийлаштириш кўзда тутилган. Яъни ушбу давр ичида ишлаб чиқаришнинг 50 фоиздан зиёди маҳаллийлаштирилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, “Lemken Chirchiq” кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги машиналарини сотиб олмақчи бўлган фермер хўжаликлари, машина-трактор паркларини ва бошқа мулкчилик шаклидаги субъектлар учун бир қатор қулайликлар яратилган. Гап шундаки, юртдошларимиз ўзларига зарур машиналарни “Ўзқишлоқхўжаликмашилизинг” акциядорлик лизинг компанияси орқали ва тўғридан-тўғри тузилган шартномалар асосида харид қилишлари мумкин.

Айни пайтда “Lemken Chirchiq” кўшма корхонаси цехларида иш қизғин. Ишчи-ҳодимлар ишлаб чиқариш суръатини ошириш мақсадида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишмоқда. Малакали конструктор ва мутахассислар эса кўплаб истиқболли лойиҳалар, янги режалар устида изланишмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда машинасозлик соҳаси янада ривожланишига, пировардиде эса қишлоқ хўжалиги равнақига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ҳанифа ШАМШИЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларининг молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашади.

Танлов қўйидаги йўналишларда бўлиб ўтади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатдан жозибадорликка ва саноат соҳасида таъбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамми кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- Ариза (намуна бўйича).
- Инвестиция таклифи (намуна бўйича).
- Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. **Web-site:** www.fppd.uz. **E-mail:** pdf.fund@gmail.com
Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқаришни молиялаштириш юзасидан танловда иштирок этиш учун БУЮРТМАНОМА

1. _____ (ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)

2. _____ (тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)

_____ (Ф.И.Ш., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— инвестиция таклифи;
— инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига қафолат бераман.

Ташкилот раҳбари _____ (имзо, муҳр) (Ф.И.Ш.)

2-илова

Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

- Лойиҳанинг номи.
- Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
— номи ва реқвизитлари;
— асосий фаолият тури;
— асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ҳамда ҳамми) ва молиявий кўрсаткичлари.
- Негизилда лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
— корхонанинг номи ва реқвизитлари;
— асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
— охириги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳамми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
— умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
— мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
— кадрлар потенциалли.
- Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
4.1. Маркетинг:
— ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳамми;
— дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
— мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
— маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
- Ишлаб чиқариш:
— лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал-ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
— зарур бўладиган ходимлар сони.
- Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
— инвестицияларини йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
- Молиялаштириш:
— лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
— объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
— лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
- Лойиҳани амалга оширишдан қутилаётган натижалар:
— қутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
— экспорт ҳамми.

3-илова

Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ

(лойиҳанинг номи ва жойлашган манзили)

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	қурилиш-монтаж ишлари учун	минг долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-усқуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн. сўм		
4.	Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринлари	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида	ўлчов бирлигига мувофиқ		
6.1.	шу жумладан, экспорт учун	ўлчов бирлигига мувофиқ		

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Фарғона вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

- Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан қўйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:
- ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан, «Фарғона Интер Рейн» кўшма корхонасидан хатланган, Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, «Фарғона — Қўқон» автомобиль йўли ёқасида жойлашган, қурилиш майдони 10781,75 кв.м., фойдаланиш майдони 3960,30 кв.м. бўлган, 2000 тоннали замонавий совуққич бино-иншоотлари.
 - Бошланғич баҳоси — 1 301 431 993 сўм.
 - ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, Водил кўчасида жойлашган, қурилиш майдони 697,98 кв.м., фойдаланиш майдони 199,73 кв.м. бўлган дала-ҳовли бино-иншоотлари.
 - Бошланғич баҳоси — 156 242 556 сўм.
 - ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Ғайрат» ҚФЙда

жойлашган, қурилиш майдони 953,58 кв.м., фойдаланиш майдони 180,60 кв.м. бўлган дала-ҳовли бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 97 265 607 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 11 январь кунин соат 10.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдога қўйилган мулклар билан Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2013 йил 9 январь кунин соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Манзил: Фарғона ш., Бурхониддин Марғинович к., 35-уй. Телефон: (8-373) 224-68-69. Расмий сайтими: www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.

NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.

ELANTRA

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

DONGNAM UZ MOTORS

Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

«BEMINNAT SAVDO» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

2013 йилнинг I чорағида қўйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказиладиган эълон қилади сарийё, 1-категорияли музлатилган мол гўшти.

Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар кунин соат 9.00 дан 17.00 гача қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
Тел.: (8-371) 237-14-94, 237-45-15.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 28 декабрь соат 17.00 гача.

Муҳтарам газетхон!
Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшаҳифалар бепул илова қилинмоқда.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан қўйидаги автотранспорт воситалари ва дастгоҳлар такроран қўйилмоқда:

- ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, Тинчлик (Хамза) шаҳарчаси, Гулистон кўчаси, 5-уйда сақланаётган, «С-45717К-1» русумли, давлат рақами 40 060 ААА бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган автокран.
- Бошланғич баҳоси — 178 170 048 сўм.
- ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона Мева-сабзавот тайёрловсавдо» компаниясига тегишли, Олтиариқ тумани, Қапчугай қишлоғида сақланаётган, ўн олти тондаги ёғоч яшиқлар ишлаб чиқариш дастгоҳлари.
- Бошланғич баҳоси — 11 634 086 567 сўм.
- ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона Интер Рейн» кўшма корхонасига тегишли, Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, «Фарғона — Қўқон» автомобиль йўли ёқасида жойлашган, 2000 тоннали музлатқич усқуна ва жиҳозлари такроран қўйилмоқда.
- Бошланғич баҳоси — 1 504 854 434 сўм.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 35-уй. Телефон: (8-373) 224-68-70. Расмий сайтими: www.rfmn.uz

2199R/1496

Тошкент архитектура-қурилиш институти ректорати ва қасаба уюшма қўмитаси Қурилиш конструкциялари кафедраси доценти Панжа Алиқулловга турмуш ўртоғи **Муҳаббат САЛИҲОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор этади.

Спорт

Хитойнинг Нанчанг шаҳрида пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича ўтказилган навбатдаги Осиё чемпионатида вакилларимиз муваффақиятли иштирок этишди.

Линара — Осиё чемпиони

Жумладан, 40 метр масофадаги мўлжални тўппончадан нишонга олиш беллашуварларида ҳамюртимиз Линара Асанова 480,2 балл тўплаб, олтин медалга сазовор бўлди. Унинг мазкур натижаси шарафига байрогимиз баланд кўтарилди, мадҳиямиз янгради.

Қитъа биринчилигида ушбу йўналишда ўз имкониятини синая кўрган Нилуфар Худойбердиева эса кучли бешликдан жой олди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси

ФИФА рейтингда икки поғона юқорилади



Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Унда Ўзбекистон миллий терма жамоаси икки поғона кўтарилиб, 67-ўринни банд этди.

Хабарингиз бор, 14 ноябрь куни футболчиларимиз 2014 йил Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионатиغا саралашнинг тўртинчи босқичи олтинчи турида Техронда Эрон миллий терма жамоасига қарши баҳс олиб бориб, 1:0 ҳисобида ғалабага эришгандилар. Бу муваффақиятдан сўнг вакилларимиз ўз гуруҳларида пешқадам бўлиб олдилар. Айнан мана шу натижа Ўзбекистон мил-

лий терма жамоасининг рейтингдаги очколари сонини 23 тага оширди.

Осиё қитъаси жамоалари орасида Ўзбекистон рейтингда Япония, Жанубий Корея, Австралия ҳамда Эрондан кейинги ўринда қайд этилган.

Умумий рўйхатда Испания пешқадам бўлиб турибди. Кейинги поғоналардан Германия, Аргентина, Италия, Колумбия, Англия, Португалия, Голландия терма жамоалари жой олган.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Пойтахтимизда тасвирий ҳамда амалий санъат кўргазмаси иш бошлади.

Маданият хабарлари



Қадриятларимиз тараннуми

Унда рангтасвир, графика билан бир қаторда, миллий хунармандчилик намуналари, жумладан, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, гиламдўзлик, мебелсозлик асарлари ҳам ўрин эгаллаган. Улар орасида Марат Содиқов, Людмила ва Диана Содиқовалар, Назира Қўзиёва,

Сирождиддин Раҳматуллаев, Абдулла Нарзуллаев сингари халқаро танловлар ғолиблари, таниқли мусаввирларнинг асарлари ҳам бор.

Кўргазма 2013 йилнинг 14 январига қадар давом этади.

Гўзал РАҲМОНОВА.

«Фикрлар парвози»

Ўзбекистон Бадий академиясида очилган кўргазма шундай номланди.

Унда мамлакатимизнинг таниқли мўйқалам усталари томонидан турли даврларда яратилган ва санъат иҳлосмандларининг эътирофига сазовор бўлган энг сара асарлар намойиш этилмоқда. Чунончи, Р. Чориев, Р. Аҳмедов, А. Абдуллаев сингари рассомларнинг Бадий кўргазмалар дирекцияси фондида сақланаётган асарлари, шунингдек, А. Мирзаев, Й. Турсунназаров, Ж. Умарбеков, С. Абдуллаев сингари мўйқалам усталари, О. Файзуллаев, А. Раҳимов, А. Нарзуллаев каби ёғоч ўймаkori ва бадий куллик санъати усталарининг миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз тараннум этилган асарлари ўрин олган.

Суннат АСТАНОВ.



XALQ BANKI

STANDARD
& POOR'S
RATINGS SERVICES

Халқаро рейтинг агентлиги
2012 йил декабрь ойида

Ўзбекистон Республикаси
Давлат-тижорат Халқ банкининг

Халқаро кредит рейтингини

B+/B
Барқарор

даражасида қайта тасдиқлади.

«Дўстлик» ордени
Навоий кон-металлургия
комбинатининг кўп минг
кишилиқ жамоаси

Ўзбекистон халқини
Обод турмуш йили билан
қизғин ва самимий
табриклайди.

2013

2013 йил мустақил
Ватанимиз соғломасида қувонгли ютуқлар,
олашувчи воқеаларга бой давр бўлсин.
Янги йилда барганизга мустақам
соғлиқ, бахт-саодат, хонадонларинизга
қўй-баракат тилаймиз. Байрамингиз
муқорак бўлсин, азиз
юртдошлар!

«А.АКВАРАЧ»
хусусий корхонаси жамоаси

Барча юртдошларимизни

Янги йил

байрами билан самимий
муқоракбоқ этади!

Юртимизга тинчлик,
барчага сихат-саломатлик,
хонадонларинизга файзу баракат,
эзгу ниятлариниз амалга
ошишини тилаган ҳолда,
ўз махсусотларини
таклиф этади.

Мурожаат учун телефонлар:
(+998 73) 223-16-30,
(+998 90) 580-18-27.

Реклама ва
эълонлар

InfinBANK

Barchani Yangi – 2013-yil
bilan tabriklaymiz!

Yangi yilning
har bir kuni
tinchlik va baxt
olib kelsin!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонуңчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 58 889 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятта келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда
оператор Ж. Тогаев
томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.20 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5